# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 14 сентябрь, № 182 (5856) Шанба


# ШҲТНИНГ БИШКЕК САММИТИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12-13 сентябрь кунлари Бишкекда ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.**



Саммитнинг асосий тадбирлари 13 сентябрь куни бўлиб ўтди. ШҲТга аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шунингдек, ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалий мулоқот ва минтақавий ҳамда глобал муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлларини биргаликда топиш учун қулай имконият экани таъкидланди.

Ташкилотга аъзо давлат раҳбарлари мажлисни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Уларга кузатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қўшилди.

Халқаро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, замонавий сиёсат ва иқтисодиётнинг бугунги ҳолатига жиддий таъсир кўрсатаётган шиддатли жараёнлар рўй бераётгани қайд этилди. Глобал хавф ва таҳдидларга қарши биргаликда самарали курашиш, ШҲТ маконида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш вазифалари устувор аҳамият касб этмоқда.

ШҲТга аъзо давлатлар халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол ҳамда изчил курашмоқда. Ушбу соҳалардаги ҳамкорликнинг норматив базасини янада такомиллаштиришни қўллаб-қувватламоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқида мажлис иштирокчилари эътиборини Сурия ва Афғонистонда рўй бераётган воқеаларга қаратди. Хунрезликлар Суриядан ташқарига ёйилишига йўл қўймаслик даркор. Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмайди, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши кучларнинг муросага келишига эришиш бу борадаги ягона тўғри йўлдир. Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни фақат икки томонлама асосда йўлга қўяди.

Ўзбекистон раҳбари йирик қўшма лойиҳаларни, айниқса, транспорт-коммуникация соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ШҲТ Тараққиёт жамғармаси ва Ривожланиш банкини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Ислом Каримов Оролбўйи минтақасида мураккаб экологик вазият юзага келганини қайд этар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ўртасида ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш, экологик муаммоларни ҳал этишда ШҲТ салоҳияти ва имкониятларидан фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратди.

Саммит иштирокчилари миллий иқтисодиётларни янада модернизация қилиш, инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, транспортда ташиш, коммуникациялар, инновацион технологиялар, агросаноат соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. ШҲТ маконида яшаётган халқлар манфаати йўлида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий яқинлик, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий-техник ва маданий-гуманитар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари бўйича қабул қилинган Бишкек декларациясида амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид асосий ёндашувлар, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун барча саъй-ҳаракатларни йўналтиришга қаратилган муштарак интилишлар ўз ифодасини топган.

Давлат раҳбарлари ШҲТга аъзо мамлакатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган ҳаракат режасини имзоладилар.

Саммитда ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги иштироки доирасида давлатимиз раҳбари ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг учрашуви бўлди.

Икки давлат раҳбарлари ШҲТ саммитини юксак савияда тайёрлаш ва ўтказиш борасида Қирғизистон томони амалга оширган саъй-ҳаракатлар хусусида фикр алмашдилар.

Президент Ислом Каримов давлат раҳбарлари даражасида имзолаш учун тайёрланган ШҲТ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳим эканлигини таъкидлади.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликка доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки томонлама транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантиришга қаратилган аниқ таклиф ва чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Чегара ҳудудларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун шароитларни яхшилаш, шунингдек, икки давлатнинг яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантиришга бевосита дахлдор бўлган бошқа масалалар юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

## ЖАРАЁН

*Урганч ва Хива шаҳарлари ўртасида 4 та замонавий троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Айни пайтда ушбу транспорт воситалари воҳа аҳли ҳамда маҳаллий ва хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.*

# Йўловчиларга қулайлик

— Шу йилнинг октябрь ойидан мазкур йўналиш бўйлаб яна 5 та троллейбус юра бошлайди, — дейди "Хоразмтроллейбус" давлат корхонаси раҳбари Руслан Рўзметов. — Бу хайрли мақсад учун 3 миллион 534 минг евро миқдорида маблағ йўналтирилган. Чехия давлатидан келтирилган энг сўнгги русумдаги "Шкода-24ТР" троллейбуслари электр энергиясини кам сарфлаши билан турдошларидан фарқ қилади. Қолаверса, уни бошқариш тўлиқ компьютерлаштирилган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

*Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, академик ва ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.*

*Кўпгина эксперт ва кузатувчиларнинг фикр билдиришича, ХХР раҳбари ташрифининг якунлари Ўзбекистон — Хитой муносабатларида муҳим босқич бўлиб қолгани ҳолда, замонавий ривожланишнинг қатор долзарб йўналишлари бўйича икки мамлакатнинг қарашлари яқин эканлигини яна бир бор намойиш қилди.*

## БИЗ ВА ЖАҲОН

**Д. Шаде,**
**Европада прогноз ва хавфсизлик таҳлили институти тадқиқотчиси:**

— Хитой раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи муҳим воқеа ҳисобланади ва у Пекиннинг Марказий Осиёга ўз ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири сифатида, Ўзбекистонга эса минтақада унинг иштирокисиз ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилинмайдиган стратегик давлат сифатида қарашини кўрсатади.

Олий даражадаги мазкур ташрифнинг муҳимлигини Хитойнинг Ўзбекистон билан иқтисодий мулоқотни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бўлган интилиши тасдиқлайдики, ушбу мулоқот Си Цзиньпиннинг "Буюк Ипак йўли иқтисодий камари" ғоясига асосландир. Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатларнинг салмоқли тўплами Ўзбекистоннинг Хитой ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутишини кўрсатади.

Ўзбекистон геосиёсий жойлашуви ҳамда узоқни кўра оладиган стратегияси нуқтаи назаридан минтақада ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги фаол ҳамда конструктив шериклик мулоқоти томонлар манфаатларига мувофиқ келади. Чунки бундай мулоқот, умуман олганда, барқарор минтақани шакллантириш учун ҳаётий муҳим аҳамият касб этади.

**П. Морвиж,**
**Нью-Йорк давлат университети профессори (АҚШ):**

— ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Тошкентга давлат ташрифи Хитой — Ўзбекистон икки томонлама муносабатлари изчил ўсувчанлигини яна бир карра тасдиқлади.

Хитой ва Ўзбекистон стратегик шерик мамлакатлар ҳисобланадики, савдо-иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик кўламлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида умумбашарий аҳамиятга эга бўлган энг долзарб масалалар юзасидан келишмовчиликлар йўқ.

(Давоми 2-бетда).

## ВИДЕОМУЛОҚОТ

*Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига бағишланган видеомулоқот ўтказди.*

# Соғлом турмуш тарзи

## аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади

Унда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ва 2009 йил 1 июлдаги "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорларининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойилига мувофиқ, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, бугунги кунда ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини таъкидлади. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жойларда болалар, ўсмирлар, балоғат ёшидаги қизлар, фертиль ёшидаги аёллар, умуман, аҳолини мунтазам равишда бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга зарур тиббий тавсиялар бериб бориш кенг йўлга қўйилган. Натижада жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида республика бўйича оналар ва гўдаклар ўлими ҳамда ўсмир ёшдагилар ўртасидаги туғуруқлар камайишига эришилди.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2013 йилнинг январь — июнь ойлари мобайнида мамлакатимизда**

**3000** **дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этилди.**

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида янги инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирлар қурилгани, айниқса, истиқболли лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштирилгани туфайли ана шундай натижага эришилди.

# ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ХОРИЖЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳими шундаки, ҳамкорлик ўзаро манфаатли асосда амалга оширилмоқда — у ҳар икки мамлакат манфаатларига жавоб беради. Ташриф якунлари бўйича умумий қиймати 15 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорга тенг бўлган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутувчи 31 ҳужжат имзоланди. Бу ХХР ва Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятларига мос келадиган даражага чиқиш учун муштарак интилишнинг мавжудлигидан далолат беради.

Шу ўринда самарали макроиқтисодий сиёсати туфайли Ўзбекистон ва Хитой жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан энг кам зарар кўрган ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини таъминлашга муваффақ бўлган давлатлар сирасига киришини алоҳида қайд этиш керакки, зеро, дунёда бундай мамлакатлар кўп эмас.

Таъкидлаш жоиз, Пекин ва Тошкент ўртасидаги икки томонлама муносабатлар азалий дўстлар ҳамда вақт синовидан ўтган стратегик ҳамкорларнинг очиқ ва ишончли мулоқоти ҳисобланади. Икки халқ маданий-гуманитар қадриятларининг бир-бирига яқинлиги ҳамда умумий тарихий муштаракликларнинг мавжудлиги том маънодаги дўстона ва ўзаро ишончли муносабатларни қўллаб-қувватлаш учун муҳим омилдир.

**Э. Ролан, Франция сиёсий ва халқаро муносабатлар марказининг етакчи эксперти:**

— ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Марказий Осиёдаги энг барқарор ривожланаётган давлатга буюрган мазкур ташрифи, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлиб ўтган конструктив музокаралари ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатдан кенгайтириш нуқтаи назаридан фавқулодда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон — Хитой икки томонлама алоқаларида кузатилаётган фаоллик ҳам сиёсий, ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

Шуни қайд этиш керакки, ташриф якунлари бўйича эришилган натижалар ҳамда қатор муҳим сиёсий ҳужжатларнинг имзоланиши Пекиннинг минтақанинг стратегик жиҳатдан муҳим мамлакати билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга бўлган қизиқишини яққол кўрсатади.

**Дато Юсуф Хашем, "Глобалист" журнали муҳаррири ва ношири (Малайзия):**

— Си Цзиньпиннинг Хитой раҳбари сифатида Ўзбекистонга буюрган биринчи давлат ташрифи муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Стратегик ҳамкор мамлакатлар бўлган Ўзбекистон ва Хитой кўпгина халқаро масалаларнинг ҳал этилиши борасида ўхшаш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган нуқтаи назарларга эга бўлишгани баробарида, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши сингари замонавий таҳдидларга қарши курашда ҳамкорлик қилмоқда.

2014 йили АЙСЕФ халқаро ҳарбий контингентининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши олдинда тургани ҳамда бу мамлакат ҳудудидаги қўшни давлатлар хавфсизлигига таҳдид соладиган ислом радикал ташкилотлари ва террорчи тизимлар фаоллашувининг эҳтимоли муносабати билан хавфсизлик соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик алоҳида долзарблик касб этади.

ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик икки томонлама яқин алоқаларнинг салмоқли таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар икки давлат Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақиятли ривожланиши ҳамда унинг ишида фаол қатнашишга алоҳида аҳамият қаратади. ШҲТ йўналишидаги ҳамкорлик бугунги кунда минтақада ва умуман, бутун дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш ишида муҳим омил бўлмоқда.

**Макс Сей, Осиё стратегия ва лидерлик институти вице-президенти (Малайзия):**

— Хитойнинг Ўзбекистон билан алоқалари ривожланишидаги изчиллик мазкур давлатлар ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг барқарор ўсувчан эканлигидан далолат беради. Хитой томони Ўзбекистон билан юқори даражадаги мулоқотни қўллаб-қувватлашдан манфаатдордир. Чунки Ўзбекистон нафақат минтақада, балки унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам геосиёсий вазиятнинг ривожланишида муҳим ўрин тутадики, Марказий Осиёдаги ҳолат дунёнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан, йирик давлатларда ҳам сиёсатнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади.

Менинг фикримча, Ўзбекистон раҳбариятининг инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган, яъни айнан сармоялари қўшимча иш ўринларини яратишга, янги замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ўз маҳсулотини жаҳон бозорларига экспорт қилиш учун шароитларни кенгайтиришга имкон берадиган мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик сиёсати тўғри сиёсат ҳисобланади. Шу маънода, Хитой тажрибаси Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун фойдали бўлиши мумкин.

**Фахад аль-Мекрад, сиёсатшунос (Кувайт):**

— Хитой — ишончли ва прагматик шерик ҳисобланадики, у биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, сармоявий алоқаларни ривожлантиришни кўзлайди. Пекиннинг ташқи сиёсати ҳам, энг аввало, айнан ана шундай вазифаларнинг ҳал этилишига қаратилган.

Ўзбекистон катта ва хилма-хил табиий ресурсларга, ривожланган индустрияга ҳамда яхши интеллектуал салоҳиятга эгадир. Мен Ўзбекистоннинг тинчликсевар ва чуқур ўйланган ташқи сиёсатини юқори баҳолайман. Айнан Президент Ислом Каримов томонидан тўғри танланган ташқи сиёсий йўл туфайли мамлакат халқаро ҳамжамият субъектлари ўртасида катта обрў ва ҳурмат қозонгани баробарида, дунёнинг кўплаб мамлакатлари, шу жумладан, ХХР билан ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда.

Шуни ҳам қайд этишни истардимки, Ўзбекистоннинг Хитой билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан бориши катта истиқболларга эгадир, чунки Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ўзаро манфаатдорлик хусусиятига ҳамда бошқа дўстона ва чуқур тарихий алоқаларга асосланганлир.

**Ванг Синлонг, "China Cotton Industries LTD" компанияси президенти (ХХР):**

— Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган ягона давлат ҳисобланади. Унда катта транзит, саноат, юқори малакали кадрлар салоҳияти, стратегик аҳамиятга молик фойдали қазилмалар ва табиий ресурслар мавжуд.

Хитой, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиши мумкин бўлган замонавий технологиялар ва сармояга эга.

Ишончим комилки, Хитой ва Ўзбекистоннинг молия институтлари ҳамда йирик компаниялари ўртасида имзоланган сармоявий ҳамкорлик бўйича битимлар иқтисодиёт ва инвестициялар жабҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиётни, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва телекоммуникацияларни биргаликда ривожлантириш зарурлиги юзасидан умумий тушунча мавжуд.

"Жиззах" махсус индустриал зонаси доирасида давлатларимиз раҳбарларининг ташаббуси билан ташкил этилган юқори технологиялар саноат парки икки томонлама сармоявий ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Чунки у ерда хориж корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур инфратузилма ва қулай сармоявий муҳит яратилган.

**«Жаҳон» АА.**

# хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Наманган туманидаги "Малика холис сервис" масъулияти чекланган жамиятида навбатдаги бизнес лойиҳа амалга оширилиб, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашга мўлжалланган полипропилен қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

## Буюртма ўз вақтида бажарилади

Ҳозирги кунгача эркаклар кийимлари тайёрлаш билан шуғулланиб келган тадбиркорлик жамоаси яна бир ишлаб чиқариш соҳасини ўзлаштириш учун банкнинг 1 миллиард 50 миллион сўмлик кредитидан фойдаланди. Айни маблағ ҳисобига ўрнатилган хорижий технологиянинг кунлик ишлаб чиқариш қуввати 20 минг донадан ортади.

— Янги тармоққа асос солиш билан 50 та қўшимча иш ўрни яратдик, — дейди корхона раҳбари Н. Тўраев. — Ҳозирги пайтда қувватларни ўзлаштириш баробарида, тадбиркорлик субъектлари томонидан тушаётган буюртмаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилаяпмиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Олтинкўл туманидаги Кўмакай қишлоғилик Абдуҳалим Сайфутдинов ташаббуси билан "Олтин боғ шарбатлари" хусусий корхонаси ташкил этилиб, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди.*

## Олтинкўл шарбатлари

Айни пайтда бу ерда шафтоли, олма, малина сингари олти турдаги мевадан тайёрланган шарбатлар қадоқланмоқда.

Умуман, Андижон вилоятида жорий йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида 169 та лойиҳани амалга ошириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 8 фоизга кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Фарғона шаҳри марказида савдо ва маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган "Ширин" мажмуаси иш бошлади.*

## Кўп тармоқли мажмуа

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун "Водийлик Собировлар шижоати" хусусий фирмаси томонидан 420 миллион сўм йўналтирилди.

Айни пайтда бу ерда умумий овқатланиш шохобчаси, сут, гўшт ва қандолат маҳсулотлари, салқин ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар фаолият кўрсатмоқда. Келгусида мажмуа таркибида хизмат турларини кўпайтириш режалаштирилаяпти.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Ғаллаороллик тадбиркор Насиба Илёсова ўз маблағи ҳамда банкнинг 40 миллион сўмлик кредитидан фойдаланиб, хориждан замонавий тикув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатди.*

## Корхона қуввати ортди

— Натижада 10 га яқин хотин-қизлар доимий иш билан таъминланди, — дейди "Нозимабегим Насибаси" хусусий фирмаси раҳбари Н. Илёсова. — Шунингдек, 15 нафар қишлоқ қизларини устоз-шогирд анъанаси асосида ишга ўргатаяпмиз. Чунки яқинда Хитойдан илғор ускуналар олиб келиб, ишлаб чиқариш қувватини оширишни режалаштирганмиз.

Айни пайтда корхона жамоаси томонидан ойига 40 миллион сўмлик 12 турдаги тикувчилик маҳсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

**Улуғбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Соғлом турмуш тарзи

## аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, бу жараёнда Хотин-қизлар қўмитаси аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари ҳамкорлигида жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида тиббий-ижтимоий патронаж хизматлари томонидан аҳолининг 70 минг нафардан ортиғи тиббий кўрикдан ўтказилди. Айни чоғда тиббий кўриклар жараёнларида аниқланган беморлар амбулатор шароитида ва шифохоналарда соғломлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда аҳолининг тиббий маданиятини шакллантиришга қаратилган кўплаб давра суҳбатлари ўтказилаяпти, соҳа мутахассислари иштирокида учрашувлар мунтазам ташкил этилмоқда. Шубҳасиз, буларнинг барчаси фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда ушбу йўналишда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, мавжуд камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, айрим вилоятларда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, қизларни эрта турмушга узатиш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, унинг салбий оқибатларини ёшлар, ота-оналарга тушунтириш, айниқса, кексалар соғлиғини таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорлик масалалари етарлича йўлга қўйилмаган. Он-лайн мулоқотда аниқланган муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга оид галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, видеомулоқот доирасида ўтган ҳафтада Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Хоразм вилоятида фуқаролар йиғинларида жамоатчилик ва давлат идораларининг ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, 12 йиллик узлуксиз таълим тизимига ёшларни тўлиқ қамраб олиш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини татбиқ этишга бағишлаб ўтказилган "Ватаним остонаси маҳалламдан, оиламдан бошланади" деб номланган форум тажрибаси юзасидан ҳам фикрлар алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Хонадонлар файзи

*Бугунги кунда мебелсозлик тармоғи маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжнинг асосий қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таъминланаётгани, соҳа учун зарур иккиламчи хом ашё ва бутловчи буюмлар ўзимизда тайёрланаётгани тармоқ тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.*

■ МЕБЕЛСОЗЛИК



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор, улар учун жорий қилинаётган қўшимча имтиёзлар соҳа равнақига кенг йўл очиб берди. Буни кўп йиллардан буён мебелсозлик саноатида самарали фаолият кўрсатиб келаётган пойтахтимиздаги "Idea Mebel" хусусий корхонаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Гап шундаки, мазкур корхона иш бошлаган дастлабки йилларда бир неча турдаги мебель жиҳозлари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 40 дан ошди. Мебеллар, асосан, маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани туфайли сифати юқори, нархи эса нисбатан арзон. Шу боис корхона маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бораяпти.

— Жамоамиз бозор талабини чуқур ўрганган ҳолда янгича дизайн, кўркам кўринишга эга, энг асосийси, ҳар томонлама қулай мебель тўпламларини тайёрлаш мақсадида тинмай изланаяпти, — дейди хусусий корхона раҳбари Шуҳрат Хўжанов. — Бунинг натижасида юмшоқ ва ётоқхона мебелларининг кўплаб замонавий тўпламлари яратилди. Хорижнинг илғор технологик линия ва дастгоҳлари ёрдамида ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотларимиз мижозларга ҳар томонлама манзур бўлаяпти, албатта.

**Саид РАҲМОНОВ.**

■ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

# Ёшлар истиқболи ва масъулият

*Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида ёки жойларда аҳоли вакиллари билан учрашганларида, албатта, ёшлар масаласига алоҳида тўхталиб, "Ўзбекистонда яшаётган барча-барча ёшлар — менинг болаларим, менинг фарзандларим!" дея таъкидлайдилар ва уларга катта ишонч билдирадилар. Эртанги кунимизнинг давомчилари бўлмиш баркамол авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун нимаики шароит зарур бўлса, барчасини яратиб беришга бош-қош бўладилар.*

Яқинда энг улуғ, энг азиз байрамимизни зўр хурсандчилик билан нишонладик. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида "...биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман", дея алоҳида таъкидладилар. Ушбу сўзлар мамлакатимизда эртамиз эгаларига нақадар юксак эътибор қаратилаётганининг яна бир яққол тасдиғи бўлди.

Таъкидлаш жоиз, бугун республикамизнинг барча жойларида, жумладан, Навоий вилоятида ҳам Юртбошимизнинг ана шу табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилаётир.

Ёшлар таълим-тарбияси йўлидаги ишлар ҳар биримизнинг зиммамизга, хусусан, ҳудудлардаги доимий комиссия аъзолари зиммасига улкан масъулият юклайди. Жумладан, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси томонидан ота-оналар, маҳалла, таълим муассасаси, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг доимий йўлга қўйилгани бу борада олиб борилаётган ишларнинг янада самарали бўлишини таъминламоқда. Чунончи, жойларда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла, ўқув муассасаси ва оила ҳамкорлигида ўтказилаётган турли учрашувлар, мулоқотларда фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш, бунда оилалар масъулиятини кучайтириш зарурлигига катта аҳамият қаратилаётгани ёшлар манфаатларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, йигит-қизларни иш билан таъминлаш, пировардида уларнинг ҳаётда муносиб мавқега эга бўлишларига кўмаклашиш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис жойларда вилоятдаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, шаҳар, туман ҳокимликлари билан биргаликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган касбига мувофиқ ишга жойлаштириш бўйича аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Умуман, вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий манзилли дастури қабул қилиниб, унга кўра, ёшлар учун 10,8 мингта янги иш ўрни яратиш белгиланган. Бу борада олиб борилган изчил саъй-ҳаракатлар самарасида айни чоғда коллеж битирувчилари вилоятдаги 4259 та корхона, ташкилотга ўқув-ишлаб чиқариш ва амалиётларини ўтказиш бўйича бириктирилди ҳамда уч томонлама шартномалар тузилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш, ўз навбатида, вилоятдаги йирик саноат корхоналарида малакали кадрларга бўлган талабни ҳам қондирмоқда. Масалан, вилоятимизда "Навоий" эркин-индустриал иқтисодий зонасининг ташкил этилиши ва бошқа кўплаб йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг барпо қилинаётганлиги аҳоли бандлиги, жумладан, коллеж битирувчиларини доимий иш ўрни билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Бундан ташқари, йирик саноат корхоналарида амалиёт ўтаётган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига транспортда бепул қатнаш имтиёзи берилиб, уларга иш ҳақи тўланаётгани йигит-қизларнинг танлаган касбига, ишига бўлган иштиёқини оширмоқда.

Ҳозир ҳудудимизда ёшлар учун бўш иш ўринлари яратишга жиддий аҳамият қаратилаяпти. Ушбу йўналишда олиб борилаётган аниқ чора-тадбирлар натижасида 3753 та квота иш ўрни барпо этилди. Шунингдек, жорий йилда 40 та ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, айни вақтгача 22 маротаба ана шундай тадбир уюштирилди. Уларда минглаб янги иш ўринлари ўз эгаларини топди.

Фаолиятимизда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим ўрин тутади. Ўз тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратишда амалий ёрдам кўрсатаяпмиз. Чунончи, вилоят бўйича 2000 нафар коллеж битирувчисини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида уларга тижорат банклари томонидан 8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар бериш режалаштирилган бўлиб, айни пайтгача 1397 нафар битирувчи қарийб 7,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағларини олди.

Ёшларга оид давлат сиёсати билан боғлиқ масалалар доимий комиссиямиз томонидан ўрганилиб, уларнинг натижаси мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари, депутатлар иштирокида муҳокама қилинаётгани ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилаётгани фаолиятимизнинг самарали кечишига кўмаклашмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунда ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш, уларни қизиқиш ва интилишларига кўра турли касбларга йўналтириш, бунда жойлардаги маҳаллий Кенгашлар фаоллигини янада ошириш айни заруратдир. Зотан, ёш авлод баркамоллигини таъминлаш йўлида бажариладиган устувор вазифалар уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига, истиқболи порлоқ бўлишига хизмат қилади.

**Лочин ОБЛАҚУЛОВ, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари доимий комиссияси раиси.**

# Билим ва иқтидор соҳиблари

*Пойтахтимизда “Келажак овози — 2013” кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

## «КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2013»

Тадбирда қайд этилганидек, ёшларимиз орасида “Келажак овози” танловига бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Унда жорий йил ҳар галгидан кўп, яъни 84 минг 300 нафардан зиёд ёшлар иштирок этгани бунинг тасдиғидир. Жумладан, танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 14,5 минг нафардан ортиқ йигит-қиз қатнашди.

Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидор эгалари архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишларида билим ҳамда маҳоратларини синовдан ўтказишди. Унинг Тошкент шаҳар саралаш босқичида фаол иштирок этган 45 нафар йигит-қиз якуний босқичга йўлланмани қўлга киритди.

— Танлов ҳайъатига “Саноат корхоналарида ички бошқарувни назорат қилиш” деб номланган лойиҳамни тақдим этдим, — дейди Тошкент давлат техника университети талабаси Шерзод Мўминов. — Чунки айрим мамлакатларда ишлаб чиқариш корхоналарининг ички бошқаруви аудитга тенглаштирилади. Мен хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, саноат корхоналарида бошқарув тизимини мувофиқлаштириш ҳамда шу орқали юрт тараққиётига ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим.

Тадбирда ана шундай қизиқарли тақдимот ва ишланмалари билан муваффақиятли қатнашган ғолиб йигит-қизларга махсус диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

*“Келажак овози” танловининг Бухоро вилояти босқичида 700 нафар иқтидор эгаси иштирок этиб, улар орасидан саралаб олинган 43 нафар йигит-қиз ижодий кўрикнинг финал босқичида қатнашиш учун муносиб деб топилди.*

— “Келажак овози” иқтидоримизни юзага чиқариш, илмий изланишлар олиб боришимизда қўл келмоқда, — дейди Бухоро муҳандислик-техника институти магистри Бобур Рустамов. — Мен танловнинг “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар” номинациясида қатнашиб, ғолиблар қаторидан ўрин олдим. Институтда устозларим кўмагида чармни мойлаш жараёнида иккиламчи маҳсулотлардан фойдаланиш, янада аниқроқ қилиб айтганда, чиқитсиз технология яратиш устида илмий изланишлар олиб бораяпман.

Тадбир давомида ғолиблар ўз ишлари кўргазмаси ва тақдимотини ўтказдилар. Маросим доирасида Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Карьера куни” деб номланган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ёшлар форуми якунида ғолиблар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



**Сабзавотчилик:**

# Тежамкор технологиялар афзаллиги

*Сабзавот ва полиз экинлари етиштириш учун сарфланадиган меъёрдаги сув миқдорини қарийб ўн бароборгача камайтириб, ҳосилдорликни икки ҳисса ошириш мумкинми? Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти олим ҳамда мутахассисларининг илмий тажриба ва инновацион изланишлари деҳқончилик амалиётида ана шундай натижаларга эришиш мумкинлигини исботламоқда.*

## ТАШАББУС

Гап шундаки, институтда сабзавот экинларини етиштиришда эгатларни плёнка билан мулчалаш ва бир йўла томчилатиб суғориш технологияси ишлаб чиқилиб, синовдан муваффақиятли ўтди. Мазкур усулнинг афзаллиги ҳамда аҳамияти ҳақида муассаса катта илмий ходими Фарҳод Ғаниев шундай дейди:

— Экинни жойлаштириш схемалари анъанавий усулдагидан деярли фарқ қилмайди. Фақат эгатларга 12 микрон қалинликдаги қора плёнка қопланиб, томчилатиб суғориш тармоқлари тортилади. Натижада экин тез ва соғлом ривожланади. Ҳосилдорлик юқори бўлади. Энг муҳими, экинни томчилатиб суғориш ҳамда плёнка тагида намликнинг узоқ вақтгача сақланиши сувни юқори даражада тежаш имконини беради. Масалан, бизнинг синов майдонимизда бир гектар ерда етиштирилаётган булғор қалампири, бақлажон, помидор каби сабзавот экинларини бир марта қондириб суғориш учун атиги 2 тонна сув кифоя қилаяпти.

Буни қарангки, плёнка усули бегона ўтларга қарши самарали курашишда ҳам қўл келмоқда. Шунингдек, яна бир қулайлиги, анъанавий усулда сабзавот экинлари уч мартагача чопиқ қилинса, мазкур технологияда бунга сира ҳожат қолмайди. Тупроқнинг донадорлиги ва меъёрий намлиги мақбул даражада сақланади. Лойиҳа муаллифларининг эътирофича, бундай технология ёрдамида исталган сабзавот экинларини етиштириш мумкин экан. Ҳаттоки, институт тажриба участкасида худди шундай тарзда парваришланаётган қовун-тарвуз ҳамда ошқовоқ экинлари шиғил ҳосил туккан.

Институтда ишлаб чиқилган яна бир инновацион лойиҳа томчилатиб суғориш технологиясига асосланган экин майдонларини сув билан таъминловчи насос агрегатларини ишлатишда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кўзда тутади. Қуёшдан қувват олиб ишловчи бу технология электр тармоқларидан олис ҳудудларда, чўлу адирликларда деҳқон ва фермерлар мушкулини осон қилиши турган гап. Бу қурилмадан ҳар қандай об-ҳаво шароитида, куннинг исталган вақтида фойдаланиш мумкин. Негаки, у қуёшли пайтларда керакли энергия захирасини тўплаб олиш хусусиятига ҳам эга.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, муассаса таркибида Тошкент тажриба хўжалиги ҳамда Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида тажриба-таянч бўлимлари мавжуд бўлиб, уларга 447 гектар суғориладиган экин майдони бириктирилган. Шунингдек, тажриба ва селекция ишларини олиб боришда бир қатор маҳаллий ҳамда хорижий илмий тадқиқот муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилинаяпти.

Умуман, кейинги йилларда институтда 27 та лойиҳа бўйича илмий тадқиқот ишлари муваффақиятли олиб борилди. Уларнинг салмоқли қисми уруғчилик йўналишида. Шундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, сабзавот ва полиз экинларининг 80 дан ортиқ, картошканинг 10 га яқин янги нави яратилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИНТИЛИШ

*Хўжайли туманидаги “Озодбек-Шириной” кўп тармоқли корхонаси фаолият бошлаганига тўрт йил бўлди. Айни пайтда бу ерда ойига 10 тоннага яқин нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.*

# Қандолат маҳсулотлари кўпаяди

— Яқинда фаолиятимизни янада кенгайтирдик, — дейди тадбиркор Утемурат Жалиев. — Банкнинг 200 миллион сўмлик молиявий кўмаги ҳисобига хорижнинг замонавий технологияси асосида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилди.

Умуман, туманда шу йилнинг олти ойида тижорат банклари томонидан ажратилган 7 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ҳисобига 2 минг 356 та иш ўрни ташкил этилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Имтиёзли кредит кўмагида шинам уй-жойга эга бўлдик»

*Бундан бир неча йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан бошланган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш жараёни бугунги кунга келиб жадал тус олди. Бунинг натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам ана шундай кўркам инфратузилмани ўзида уйғунлаштирган янгидан-янги массивлар пайдо бўлаяпти. Хусусан, Кегейли туманидаги “Қизил уй” массивида намунавий лойиҳалар асосида 50 дан зиёд уй-жойлар бунёд қилинди.*

## Qishloq Qurilish Bank

Бундай замонавий, кўркам уй-жойлар ўзининг мустаҳкамлиги, қулай шарт-шароитлари билан қишлоқ аҳлига жуда манзур бўлаётганини айтмайсизми? Ана шундай хонадон соҳибларидан бирининг гапларига қулоқ тутинг.

— Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйларни кўриб, албатта, улардан бирини оламиз дея, дилимизга туккандик, — дейди ёш оила соҳиби Алишер Айтимбетов. — Мана, вақти келиб, ниятимиз рўёбга чиқди. “Қизил уй” массивидаги туражойлардан бирининг эгасига айландик. Бунда ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан 15 йил муддатга берилган имтиёзли ипотека кредити жуда қўл келди. Чунки уни олиш шартлари, имтиёзлари биз каби ёш оилалар учун ҳар томонлама қулай ва мосдир.

Биз яшаётган янги массивдаги кўркам уйлар, кенг кўчалар, равон йўллар, замонавий савдо мажмуалари, мактабгача таълим муассасаси, мактаб, коллеж, мусиқа ва санъат мактаби, қишлоқ врачлик пункти, гузарлар, спорт майдончалари, ҳақиқатан ҳам, ҳавас қилгуликдир. Муҳандислик-коммуникация тизимлари алоҳида мақтовга лойиқ. Буларнинг барчаси инсон ва унинг манфаатлари учун қаратилган, десам, ҳеч муболаға эмас.

Айниқса, аёлларимиз чексиз қувончда. Уйимизда ҳамма нарса муҳайё. Совуқ сув дейсизми, иссиқ сувми, газ ва электр энергиясигача, ҳаммаси билан уйларимиз тўлиқ таъминланган. Қишлоқда турсак-да, худди шаҳардагидек яшаяпмиз. Хонадонимизнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири уларнинг миллий менталитетимизга мос, йилнинг ҳар фаслига хос об-ҳаво инобатга олинган ҳолда қурилганидир. Чунончи, ёзнинг жазирама иссиғи, қишнинг қаҳратон совуғида ҳам уйда меъёрий ҳарорат сақланади.

Юртбошимиз раҳнамолигида биз каби қишлоқ аҳолисига шаҳардагидан кам бўлмаган шароит яратиб берилаётганидан беҳад миннатдормиз. Ана шундай дориламон кунларда энг замонавий уйда оила аъзоларинг билан бахтли ҳаёт кечиришга, обод турмушдан роҳату фароғат топиб яшашга нима етсин!

**Банк матбуот хизмати.**

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 3 октябрь куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда: Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига тегишли бўлган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6048,78 кв.м., фойдаланиш майдони 3577,98 кв.м. бўлган, 0001-0019 литерлардаги маъмурий бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 332 321 863 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 30 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 (беш) банк куни ичида тўлиқ тўлаши керак. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.**
**Телефонлар: (+99873) 224-19-91, (+99890) 231-38-59.**

*Лицензия: № RR-0017.* 1562R/105

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 23 январдаги 1-313/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдураҳмон Жомий маҳалласи, Амир Темур кўчасида жойлашган, умумий қурилиш майдони 481,78 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 295,67 кв.м. бўлган 0020 литердан иборат АЁҚШ мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 234 449 588 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 2 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 27 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри,**
**«Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1560R/1453

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти бошқармаси томонидан Бухоро вилояти ЖИБ судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси ёқасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 372 622 030 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган бир гектар майдонга эга иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 1 009 176 241 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 2 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро шаҳри,**
**Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1558R/1453

**Реклама ва эълонлар**

«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 27 июлдаги 146 (5820)-сонида ҳамда «Тошкент оқшоми» газетасининг 2013 йил 29 июлдаги 148 (12459)-сонида

## «CONTINENTAL ESTATE ADVISORY GROUP» МЧЖ

томонидан аукцион савдоларини ўтказиш тўғрисидаги эълон матнида кўрсатилган Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 98-уйда жойлашган 3 ва 6 хонали 14 та хонадон, яъни 1 — 14-хонадонлар Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2013 йил 21 августдаги 427/5-сонли хатга асосан, аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

***Маълумот учун телефон:***
***(+99895) 170-11-40. Факс: (8-371) 236-01-68.***

*Лицензия RR-0035.* 1563A/60


УМНЫЙ ДОМ МАГАЗИН-САЛОН



***Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.***

**IP камеры: Dahua, GeoVision, Hikvision для цифровых систем видеонаблюдения**

Товар сертифицирован

**Setko** System Integration. Security

**БИОМЕТРИЧЕСКИЕ И КАРТОЧНЫЕ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УПРАВЛЕНИЯ ДОСТУПОМ**

- Обеспечение пропускного режима
- Контроль и учет рабочего времени
- До 30 000 пользователей на систему
- Категоризация доступа в помещения
- Широкий ценовой диапазон

**238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz**

1541R/1578


## «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

**савдолар залида 2013 йил 7 ва 25 октябрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект такроран сотувга қўйилмоқда.**

ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 5 ноябрдаги 1-89-12-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулк савдога қўйилмоқда:

Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 69-уйнинг 3-қаватида жойлашган 72, 73, 74-хонадонлар.

***Бошланғич баҳоси — 205 303 500 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда такроран аукцион савдосига қўйилган. Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темур» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзил: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй.**
**Телефонлар: (8-366) 234-89-99, 239-65-88.**

*Лицензия: 0038.* 1566R/477

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2013 йил 4 августдаги 1-2704/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, Дўстлик кўчаси, 34-уйда жойлашган, умумий майдони 417 кв.м., фойдаланиш майдони 78,80 кв.м., туражой майдони 55,80 кв.м. бўлган А, Б, а литерлардаги туражой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 70 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан ФИБ Кармана туманлараро судининг 2013 йил 24 июндаги 1-2137/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, 17-даҳа, марказий деҳқон бозорида жойлашган, умумий ер майдони 76,12 кв.м., туражой майдони 150,64 кв.м. бўлган 3 хонали, 2 қаватли савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 510 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 18 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 16 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй.**
**Телефон: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1559R/1453

# Спорт



*Бўстонлиқ туманидаги “Аллюр” от спорти клубида от спорти бўйича жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси III саралаш босқичи бошланди.*

*Халқаро от спорти федерацияси (FEI), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз от спорти федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада юртимиз чавандозларидан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Озарбайжон, Арманистон каби давлатлардан келган эллик нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.*

## Моҳир чавандозлар беллашуви

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда спорт, хусусан, от спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда турли мусобақалар ўтказилаётгани, ёш чавандозларни тарбиялаш мақсадида қатор мактаблар, от спорти клублари ташкил этилаётгани, уларнинг моддий-техник базаси замон талаблари даражасида мустаҳкамланаётгани ана шундай амалий саъй-ҳаракатлар сирасига киради. Масалан, айни пайтда пойтахтимизда от спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби, Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида спорт мактаблари, ўттиздан зиёд от спорти клублари фаолият олиб бораётир. Минг нафарга яқин ёшлар ушбу ажойиб спорт тури сир-асрорларини ўзлаштиришмоқда. Мамлакат миқёсида мунтазам ташкил этилаётган чемпионат ва биринчиликлар эса умидли спортчиларнинг тажрибасини оширишда муҳим ўрин тутаяпти.

Бу каби чора-тадбирларга ҳамоҳанг тарзда кейинги йилларда республикамизда зотдор отларни парваришлаш, от спорти тузилмаларига зарур восита ва анжомлар етказиб бериш, ёш чавандозлар билан тизимли машғулотлар олиб бориш ва уларнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, Ўзбекистон от спорти федерацияси 1993 йилда Халқаро от спорти федерациясининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган. Мазкур ташкилот шафелигида ўтказилаётган мусобақаларда вакилларимиз мунтазам иштирок этиб келмоқдалар.

Жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси саралаш босқичи 1998 йилдан буён ташкиллаштирилади. Уларда ҳамюртларимиз ўн олти бор ғолибликни қўлга киритишган. Хусусан, чавандозларимиздан Ғайрат Назаров тўққиз, Азиз Содиқов, Умид Комилов икки, Исожон Содиқов, Даврон Ғофуров ва Владимир Шмелёв бир мартадан муваффақиятга эришган. Мусобақа доирасида ўтказиладиган “Миллатлар кубоги” жамоавий беллашувларида эса терма жамоамиз аъзолари ўн беш маротаба ғалаба қозонганлар.

Мазкур мусобақада энг кўп очко жамғарган спортчилар 2014 йилда ташкил қилинадиган жаҳон лигаси йўлланмасини қўлга киритадилар. Жаҳон лигасида муваффақиятга эришган чавандозлар эса 2016 йили Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари лицензияси учун бериладиган муҳим очколарга эга бўлади.

Жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси III саралаш босқичида чавандозлар конкур — тўсиқлардан от сакратиш йўналиши бўйича ўзаро баҳслашишмоқда. Анъанага мувофиқ, турнир доирасида “Миллатлар кубоги” жамоавий мусобақалари ҳам ўтказилади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

## Навбат — Осиё чемпионатига

*Наманган шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида сув полоси бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.*

Бир ҳафта давом этган баҳсларда мезбон вилоят сув спорти усталари тенгдошларидан маҳорат бобида устун эканликларини намойиш қилдилар. Жумладан, ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда ҳам, қизлар мусобақасида ҳам наманганликлар биринчи ўринни эгаллаб, чемпионликка эришди. Фахрли иккинчи ўрин республика Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўсмир ва қизлари, учинчи ўрин эса республика ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш мактаби ўсмирлари ҳамда Урганч шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи қизларига насиб этди.

Айни кунларда чемпионат ғолиби — Наманган вилояти терма жамоаси навбатдаги нуфузли мусобақага тайёрланмоқда. Улар жорий йил октябрида Малайзияда сув полоси бўйича ёшлар ўртасида ўтказиладиган Осиё очиқ чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## АКТ янгиликлари

*Интернет тармоғидаги http://my.gov.uz Ягона интерактив давлат хизматлари портали фойдаланувчилари учун яна бир имконият яратилди.*

### Интерактив хизматлар

Гап шундаки, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда барча туман ва шаҳар ҳокимликлари мазкур порталга уланди. Эндиликда фуқаролар юқоридаги сайт орқали ўз тураржой манзили бўйича тегишли туман ҳокимлигини танлаб, мурожаат йўллаши мумкин. Бу эса мурожаатларнинг қисқа вақт оралиғида тўғридан-тўғри ижрочига етиб боришини таъминлайди. Натижада мавжуд муаммо ва камчиликларни ўз жойида, тезкорлик билан бартараф этиш имконияти кенгаяди.

Шу маънода, Ягона порталда янги хизмат тури йўлга қўйилиши фуқаролар мурожаатларини тезкор ҳал этишда яна бир муҳим қадам бўлди.

### Шахматчилар учун электрон дарслик

*Шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг 2008 йилда чоп этилган “Шахмат сеҳрли олам” номли китоби ушбу спорт тури ишқибозлари орасида кенг оммалашган эди.*

Айни пайтда ҳам мазкур асар ҳаваскор шахматчилар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилаяпти. Шундан келиб чиқиб, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Infocom.uz журнали ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан мазкур китоб асосида мультимедиали интерактив дарслик яратилди.

Дарсликда анимациялар, мусиқа ва овозли ёзувлардан кенг фойдаланилган. Бу эса ўрганувчининг дарсларни тез ўзлаштириши ҳамда берилган мисолларни осон тушунишида қўл келади.

Мазкур оммабоп электрон дарслик ZiyoNET таълим тармоғига жойлаштирилган бўлиб, ундан қизиқувчилар бепул фойдаланишлари мумкин.

**Элбек ДОЛИМОВ.**

## Тил ўргатишнинг илғор услуби

*Сирдарё вилоятидаги барча умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган хоналари чет тили машғулотлари ўтказишга мослаштирилди. Яъни мазкур синфхоналар компьютер жамланмаси, телевизор ва бошқа электрон ускуналар ҳамда чет тилини ўрганишга оид кўргазмали қуроллар билан жиҳозланди.*

ТАЪЛИМ

Янги ўқув йили олдидан чет тили ўқитувчилари биринчи синфда электрон ахборот технологиялари ёрдамида дарс ўтиш бўйича малака оширдилар.

— Бошланғич синф ўқувчилари бошқа дарслар қатори чет тили сабоқларини ҳам яхши ўзлаштиришмоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Олимжон Мирбаратов. — Бунда белгиланган дастур асосида чет тили бўйича компьютер ўйинлари, видеороликлар, мультфильмлардан фойдаланилаётганлиги болаларнинг ушбу фанга бўлган қизиқишини оширмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!



*Яқинда Хитойда инсон саломатлиги учун фойдали бўлган ноёб доривор ўсимлик топилди. Гап шундаки, мазкур наботот намунаси таркибида альцгеймер касаллиги билан оғриган беморлар учун дори тайёрлашда қўлланиладиган камёб моддалар борлиги аниқланган.*

### Хотирани мустаҳкамлайдиган гиёҳ

Альцгеймер — асаб хасталиги бўлиб, унга чалинган беморнинг бош мия ҳужайраси фаолияти бузилади ва хотираси сусаяди. Янги ўсимлик таркибидаги кимё моддаси инсон организмига тушгач, бош мия ҳужайралари реакциясида қатнашадиган муҳим элемент билан бирикади ва мия фаолиятини яхшилайди. Хитойда тадқиқот олиб бораётган бир гуруҳ олимларнинг билдиришича, ушбу модда беморлар хотирасини яхшилашда ҳам ижобий натижа беради.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**



ИЗЛАНИШ

*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар боис иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, саноатнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарни тубдан модернизация қилиш ва уларга илғор инновацияларни татбиқ этиш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилаётир. Бунинг самараси, айниқса, кейинги йилларда кўзга яққол ташланаяпти. Бундай ижобий ўзгаришларга, хусусан, энергетика соҳасидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мазкур тармоқдаги янгиланишлар нафақат замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда ҳам муҳим омил бўлаётир.*

Реклама ўрнида

## Энергетика тизимидаги янгиланишлар

**иқтисодий барқарорлик ва хизматлар сифати яхшиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда**

Пойтахтимиздаги “Elektrogrand Group” компанияси жамоаси ана шу йўлда астойдил меҳнат қилиб, кўплаб истиқболли лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Гап шундаки, компания мутахассислари дастлаб бозор эҳтиёжини пухта ўрганган бўлса, кейинчалик энергетика соҳасида хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этди. Бу жиҳатлар корхона иши ривожида айни муддао бўлди.

— Бугун таклиф қилинаётган маҳсулот ҳамда хизматлар техник, иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлари билан рақобатбардош бўлсагина бозорда ўз ўрнини топа олади, — дейди компания раҳбари Шавкат Дилмуродов. — Биз, шу жиҳатни эътиборга олган ҳолда, мураккаблик даражаси турлича бўлган энергетик ечимлар мажмуаларини тайёрлаймиз. Бу жараёнда ҳар бир мутахассисимиз ишга масъулият билан ёндашишни бош мақсади, деб билади. Компаниямиз томонидан, шунингдек, янги бунёд этилаётган саноат корхоналари, аҳоли массивлари ва ижтимоий соҳа объектларини электр энергияси билан таъминлаш, электростанция ва бошқа тармоқлар қуриш, уларни таъмирлаш каби хизматлар кўрсатилади.

Дарҳақиқат, юқори сифат, барқарорлик ва тезкорлик шиори бўлган мазкур компания мутахассислари меҳнатига буюртмалар тобора кўпаймоқда. Кейинги йилларда “Elektrogrand Group” компаниясининг кўмир саноати, темир йўл, алоқа ва бошқа тармоқларга сервис хизмати кўрсатиш кўлами кенгайгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, компания мутахассислари энергетик қуввати 35 кВгача бўлган корхоналарга электр тармоқларини ётқизиш, ташқи ва ички электр монтаж қилиш ишлари, кучлантирувчи ва ёритувчи электр тармоқларини монтаж қилиш каби юмушларни ҳам сифатли бажаришмоқда. Умуман, айни пайтда жамоа кучланиши 0,4 кВдан 35 кВгача бўлган қурилмалар монтажи билан шуғулланиб, ташқи ва ички кабель линияларини тортиш, трансформатор нимстанциялари, тураржой бинолари, идора ва ишлаб чиқариш биноларини электрлаштиришда фаол иштирок этишмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Алоҳида буюртмалар олиниб, унга мувофиқ, симлар, кабеллар, электр машиналари ва механизмлар изоляцияси, “фаза-ноль” ҳалқаси қаршилиги текширилади. Болтли ва кавшарланган бирикмалар сифати, ерга уланувчи механизм ҳамда ҳимоя қилувчи сим ўртасидаги занжир мавжудлиги назорат қилинади. Электр билан таъминлаш занжирлари фазировка қилиниб, кучланиши оширилган юқори вольтли қуруқ ва мойли трансформаторлар синовдан ўтказилади. Бундан ташқари, компания далолатномалар, янги қурилган электр тармоқлари ҳамда трансформатор нимстанцияларини амалдаги кучланиш тармоғига улаш юзасидан ҳужжатлар тўпламини тайёрлаб, “Ўзбекэнерго” ДАК тизимидаги назорат ва бошқа ташкилотларга тақдим этиш вазифасини ҳам ўз зиммасига олади.

Айни пайтда компанияда электролаборатория ҳам мавжуд бўлиб, ишчилар ундан унумли фойдаланишади. Қатъий назорат ва синовдан ўтказилган ҳар бир маҳсулот кафолати айнан шу лабораторияда тасдиқланади.

“Elektrogrand Group” компанияси “Elektrolayt”, “Dek-Elektro” масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда Беларусь Республикаси йирик электротехника заводининг Ўзбекистондаги расмий вакили “Rikom Inter Trade” билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. “Bartec Engineering”, “Danadi-Servis” масъулияти чекланган жамиятлари, Жанубий Кореянинг “Shindong Enercom Inc” компанияси ва бошқа бир қатор йирик корхоналар компаниянинг асосий буюртмачилари ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, “Elektrogrand Group” компанияси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, бу ерда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг изланишлари боис унинг маҳсулот ва хизматларидан фойдаланишни истовчилар сафи анча кенгайди. Ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Бу эса барқарор фаолият ва ривожланиш гаровидир.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**


Эълонлар

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Бекобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрдаги 24069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Шова маҳалласида жойлашган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 148 434 813 сўм.***

**2.** Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 3 августдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ қўрғони БУУ, Чорбоғ гўзал боғи, 7-«А» уй.

***Бошланғич баҳоси — 1 504 399 037 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

**3.** Учтепа тумани СИБ томонидан 2013 йил 24 майдаги 1-2386/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Д20-«А» мавзе, 15-уйнинг 1-қаватидаги офис биноси.

***Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.***

**4.** Учтепа тумани СИБ томонидан 2013 йил 16 апрелдаги 1-271/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-квартал, 13-уй, 16-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 24 000 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.**

1567А/380

*Лицензия: RR-0052.*

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital Realtor Group» МЧЖ Қашқадарё филиалида 2013 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк: Қашқадарё вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ кузатув кенгашининг 2012 йил 11 майдаги 01/08-К/К-сонли баённомаси қарорига биноан, жамиятнинг Деҳқонобод тумани филиали тугатилганлиги сабабли Деҳқонобод тумани, Қорашина қўрғони, «Мирзо Турсунзода» МФЙ, А. Хушвақтов кўчасида жойлашган, умумий майдони 700,00 кв.м. бўлган маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 6 500 000 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 11 октябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Ушбу кўчмас мулк аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдолари 2013 йил 21 ва 28 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдога аризаларни қабул қилиш ҳар бир савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Юқоридаги мулк билан талабгорлар сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида олди-сотди шартномасини имзолаш ва унга мувофиқ, 10 кун муддатда тўловни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 100 (юз) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: мулкни сотиб олиш учун ариза, закалат пули тўғрисидаги келишув битимининг нусхаси ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси, жисмоний шахслар фуқаролик паспорт нусхаси, юридик шахслар эса давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ва устави, агар савдода ишончли вакил иштирок этса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Манзил: Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 4-уй.**
**Телефон: (8-375) 227-20-28.**

1561R/105

*Лицензия: № RR-0017.*



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5